Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 16 ДЕКАБРЬ. СЕШАНБА №98 (5.868). Сотувда эркин нархда

## УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартларидан бири ер шароити, жойнинг ўзига хос иқлимига қараб сара уруғ танлай билишдир. Уни тўғри англаган миришкор асло ютқизмайди. Битта далага икки-уч хил нав уруғ экиб, шошма-шошарлик қилган деҳқон дуруст ҳосил ололмаслиги тажрибада кўп бор синалган. Кейин эса айбни ўзидан эмас, уруғдан ахтаради.

Ҳа, сара уруғда гап кўп. Асл пахтакор ерига мос, тезпишар нав танлайди. Куздаёқ кейинги йил ҳосили ташвишини қилади. Ҳозир баҳорги экиш мавсумига уруғлик чигит тайёрлаш, уни дорилаш ишлари қизғин паллага кирган пайт. 1998 йилда республикамиз пахта майдонларига экиш учун жорий йил ҳосилидан 385 минг тонна уруғлик тайёрланди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра шунча хом ашёдан 217 минг тонна уруғлик чиқиши кутилаяпти. Гектарига ўртача 70 килограммдан чигит тушишини эътиборга олсак бу 3 миллион гектардан ортиқ майдонга етади. Яъни эҳтиёжни қоплайдиганидан зиёда уруғлик ғамланади.

Эндиги мавсумда мамлакатимиз хўжаликларида 22 та районлаштирилган ва учта истиқболли нав жойлаштириш режалаштирилган. Шу мақсадда жамғарилган уруғликнинг 185 минг тоннаси тозаланиши режалаштирилган. Ўн иккинчи декабргача 33 минг тоннага яқин чигит тозаланди. Сара уруғ ҳозирлашга уюшқоқлик билан киришган Андижон, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ишлар жадал бормоқда. Шу кунгача андижонликлар 5400 тонна, жиззахликлар 4180 тонна, қашқадарёликлар 3600 тонна, самарқандликлар 3005 тонна чигитни дастлабки ишловдан чиқардилар.

Ўрни келганда айтиш жоиз, баъзи жойларда ишга астойдил киришилмаган кўринади. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида эндигина 1040 тонна, Бухорода 1130 тонна, Навоийда 400 тонна чигит тайёрланганини ишлар қониқарли бормоқда дейиш мумкинми? Ҳар бир тадбирнинг ўз вақти, соати бор. Эртага шошиб қолмай деган раҳбару мутахассис вақтни бой бермайди.

Маълумки, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пахта майдонларининг катта қисмида ва андижонликлар усулида ғўза парваришланадиган ерларда чигит туксизлантирилган ҳолда экилади. Ҳисоб-китоб қилиниб, 50 минг тоннадан ортиқ чигит туксизлантирилиши белгиланган. Бугунгача қарийб олти минг тонна уруғлик туксизлантирилди.

Бунда ҳам андижонликлардан ўрнак олса арзийди. Аммо бу кўрсаткич Наманганда 85 тонна, Фарғонада бор йўғи 20 тонна бўлганини қандай изоҳлаш керак? Буларку майли, Сурхондарё ҳамда Навоийда бу ишга ҳали умуман киришилмаган.

Мавзу сифатли уруғлик тайёрлаш, уни яхши сақлаш ҳақида экан бир масалага алоҳида тўхталиш зарур. Уруғликни дорилашга жиддий эътибор бериш керак. Ушбу тадбирга ёппасига киришиш кечикаяпти. Негаки 102 минг тонна чигит дориланиши кўзда тутилган. Бироқ Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан бошқа жойларда ҳозиргача бирон тонна ҳам уруғ дориланмаган. Республика бўйича атиги 650 тонна чигит дориланди, холос. Уруғни дорилашнинг зарурати шундаки, ғўзада илдиз чириш ва гоммоз касалликлари йўқотилади. Соғ уруғдан соғлом кўчат унади.

Албатта, кечикишнинг сабаблари бор. Хориждан олинадиган кимёвий дорилагичлар: Бронатак, Панактин, Гаучо кабилар шу пайтгача келтирилмаган. Узоқдаги насиядан яқиндаги нақди маъқул, деганларидек чет мамлакатлардан юқоридаги дорилар етказиб келингунча ўзимизнинг олимлар томонидан яратилган П-4, «Пахта», Натрий гуммати сингарилардан фойдаланиб туриш даркор. Шундай қилинса, ишда узилиш бўлмайди. Қолаверса ўзимизда бори четникидан қолишмайди. Орада икки ой вақт қолди. Биринчи мартгача уруғлик хўжаликларга тарқатиб бўлиниши керак. Чунки плёнка остига чигит қадашга март ойининг бошларидан киришилади.

Иккинчи муаммо уруғлик сақланадиган қоғоз қопларнинг етишмаслигидир. Жами 5 миллион дона қоғоз қоп талаб этилгани ҳолда бори 2-2,5 миллионтадан ошмайди. Буни ҳам шу кунларда ҳал этиш зарур. Мутахассисларнинг айтишича, дориланган чигит қоғоз қопда 2-2,5 ой сақланса самараси яхши бўлади.

### *Тармоқ таҳлили*

Яқинда етук олимлар, тажрибали мутахассислар вилоятларга бориб мутасаддилар билан биргаликда ўша ернинг иқлим шароитини, фойдали ҳарорат йиғиндисини ўрганишиб қайси нав экилиши мақсадга мувофиқ эканини аниқлашди. Шунга асосланиб Вазирлар Маҳкамасига таклифлар битилди.

Келгуси йилдан вилоятларда кўпи билан 3-4 та, туманларда 2 та, хўжаликларда фақат битта нав экишга рухсат этилади. Илгаригидек обдон синалмаган, шароитга мос келмайдиган навларни экишга, ўзбошимчаликларга чек қўйилди. Мақсад, навларнинг айниб ва аралашиб кетишига йўл қўймаслик, тола чиқишини янада яхшилаш, жаҳон бозорида маҳсулотимиз қадри, баҳосини кўтаришдир. Чет эллик харидорлар жуда талабчан.

— Уруғчилик ниҳоятда нозик иш. У раҳбар ва мутахассисдан вазифасига ниҳоятда масъулият билан ёндошишни талаб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги уруғчилик бошқармасининг пахта уруғчилиги бўлими бошлиғи Нигмат Солихўжаев. — Олдинги йилларда ҳатто шундай ҳоллар такрорланар эди: айрим селекционер олимлар ўзлари яратган, ҳали истиқболли деб тан олинмаган ғўза навларини хўжалик, туман раҳбарлари билан келишиб экишар эди. Оқибатда битта хўжалик ерига икки, ҳатто учтадан нав уруғ тушарди.

Ҳақиқатан ҳам бу каби камчиликларнинг соҳага кўп зарари тегди. Нав бир-бири билан аралашиб хусусиятини йўқотди, ҳосилдорликка салбий таъсир этди. Тола сифати пасайди. Илгарилари пахтазорларда шундай манзара баъзан кўриниб қоларди: майдонга чигит бир текис экилган, ғўза баравар унган. Лекин шохлаб, гуллашга кирганда ниҳоллар паст-баланд бўлиб қоларди. Боиси, ерга ҳар хил нав уруғлик тушган. Энди унинг такрорланишига йўл қўймаслик лозим.

Пахтачилик республикамиз қишлоқ хўжалигида етакчи соҳалардан саналади. Модомики шундай экан, уруғчиликка доимо биринчи галдаги муҳим вазифа деб қараш лозим. Ният, кўп йиллик тинимсиз, заҳматли изланишлар эвазига яратилган навлар софлигича қолсин. Шуни эътиборга олиб эндиликда янги нав уруғлари фақат илмий текшириш институтларининг тажриба хўжаликларида, нав синаш участкаларида экилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда бизда уруғчилик ишларини кенг миқёсда олиб боришда, соҳани ривожлантиришда катта имкониятлар мавжуд. Вилоятларда районлаштирилган нав уруғини кўпайтирадиган 58 та элита, янги ва истиқболли навларни экадиган 8 та хўжалик бор. Пахта заводлари қошида уруғ сифатини назорат қилувчи лабораториялар ишлаб турибди. Ҳар бир вилоятда пахта уруғчилиги бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда. Демак, барча хўжаликларни талабга жавоб берадиган уруғлик билан таъминлаш учун ҳамма шароит яратилган.

Ғанимат кунлар қадрига етиб чигитни тозалаш, туксизлантириш, дорилаш ишларини намунали ташкил этайлик.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.**





**Касби туманидаги «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалигига қарашли сут-товар фермасида қишлов намунали ўтмоқда. Боиси чорвадорлар қишга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар. Молхоналар сифатли таъмирдан чиқарилди. Молларга етарли миқдорда ем-хашак жамғарилди. Гўшт, сут етиштириш бўйича жорий йилнинг ўн ойлигидаги кўрсаткичларни ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда ўсиш кўзга ташланди.**

**Суратларда: 1. Илғор сут соғувчилардан Замира Холматова ва Дилафрўз Холмуродова. 2. Молхонанинг умумий кўриниши.**

**Ш. ШАРОПОВ олган суратлар (ЎзА).**

## МУКОФОТГА АВТОМАШИНА

Самарқанд вилояти пахтакорлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилдилар ва давлатга 250 минг тоннадан зиёд саноат хом ашёси етказиб бердилар, бошқа соҳаларда ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилди. Жумладан, 2150 тонна пилла, 200 минг тонна ғалла, режадагидан зиёд мева-сабзавот, картошка, узум, полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Яқинда самарқандлик пахтакору ғаллакор, пиллачию сабзавоткор, боғбону соҳибкорлар, чорвадорлар ҳосил байрамига тўпландилар. Шаҳарда шу муносабат билан савдо кўргазмалари, таниқли санъаткорлар ижросида концерт дастурлари ташкил этилди. Анжуманда сўзга чиққан вилоят ҳокими А. Мардиев деҳқон меҳнатига муносиб баҳо берди.

Шундан сўнг жорий йилда юқори кўрсаткичларга эришган қишлоқ хўжалиги ходимларига юксак мукофотлар топширилди. Бош мукофотлар — «ГАЗ-31» енгил автомашина пахтачиликларга, «Нексия» пастдарғомликларга, «Тико» иштихонликларга насиб этди. Бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ва ҳашарчиларга телевизор, гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди.

### *ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИДА*

**Қўрғонтепа туманидаги «Хонобод» хўжалиги пиёз, сабзи, тарвуз, бошқа сабзавот экинларининг уруғини етиштириш билан шуғулланади. Хўжаликка сўнгги уч йил ичида республика деҳқонларидан бирорта ҳам шикоят тушмади. Бу йил хўжаликларга ва аҳолига сотиш учун ўнлаб тонна сара уруғ тайёрлаб қўйилди.**

**Хонободлик деҳқонлар хўжаликни кўп тармоқли қилиш йўлига ўтдилар. Чунончи, бу йил 242 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 60 центнер сара дон олинди, ҳосилнинг учдан икки қисмини давлат уруғлик учун сотиб олди. Ғалла майдонларини кенгайтиришга қарор қилинди. Бу ерда пахтачилик ҳам тикланди. 150 гектар ерга плёнка остига чигит экилиб, гектаридан 34 центнер ҳосил йиғиб-териб олинди. Адир ерларни ўзлаштириб, боғ барпо этиш ишлари давом этмоқда, хўжаликнинг мевазор боғлари ҳозир 500 гектардан ошиб кетди.**

**К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.**

### *Муҳим воқеалар, тарихий саналар*

## ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 — 13 декабрь кунлари Қозоғистоннинг янги пойтахти Ақмола сафарида бўлди. Қозоғистонга сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мамлакатимиз раҳбари ушбу ташрифдан асосан икки мақсад кўзланганини таъкидлаган эди. Уларнинг бири Ақмола аэропортида ўз ифодасини топди: Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти сифатида иш бошлаётган Ақмола аҳлига самимий оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ақмолага ташрифи шаҳар билан танишувдан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ҳамроҳлигида Қозоғистон Президенти маъмуриятининг янги биносига ташриф буюрди. Сўнг уч давлат раҳбари Қозоғистон Президенти саройига йўл олдилар. Президент саройининг шарқий залида уч мамлакат раҳбарининг давлатлараро кенгаш мажлиси доирасидаги ёпиқ учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар суҳбатининг бош мавзуси уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида 1994 йилнинг апрелида тузилган шартноманинг амалга оширилиш жараёни, шунингдек, ушбу шартнома доирасида энергетика, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация ҳамда минерал хом ашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузишдан иборат бўлди. Шунингдек, 2000 йилгача мўлжалланган дастур ҳамда 1998 йили ҳамкорликда амалга ошириш белгиланган тадбирлар ҳам Президентларнинг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларининг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш орқали жаҳон иқтисодиёти сари интеграциялашуви ўзининг яна бир муҳим томони билан эътиборни жалб қилади. Яъни, бу ўзига хослик шундан иборатки, интеграция жараёнларида иштирок этишнинг йўналиш ва шаклларини ҳар бир мамлакат ўзи белгилайди, қолаверса, мамлакатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг барчаси босқичма-босқич амалга оширилади. Бу эса ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари, жуғрофий жойлашуви ва меҳнат заҳираларини ҳисобга олган ҳолда баҳамжиҳат ишлаш имконини беради.

Ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, учрашувда Президентлар асосий эътиборни халқаро консорциумлар тузиш масаласига қаратдилар. Учрашув иштирокчилари биринчи навбатда сармоявий лойиҳалар тузилиши лозим бўлган соҳалар, уларни молиявий таъминлаш тартиби, тузилажак консорциумлар таркиби, уларни бошқариш тамойиллари, консорциумлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Хусусан, божхона ва солиқ тизимлари, нарх белгилаш ва пул-кредит сиёсати бўйича мамлакатларимизда амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш ҳамда бу борада ўзаро уйғунликка эришилмаган томонларни камайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Президентлар халқаро консорциумлар тузиш бўйича уч мамлакат ҳамкорлиги тамойиллари концепциясини маъқулладилар. Президентлар учрашуви ниҳоясида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## ХИЗР ИЗЛАРИ ҚОЛГАН ТУПРОҚ

Умрининг иккинчи асрида яшаётган шофирконлик кекса дурадгор уста Рашид бобо Раҳматов шундай ҳикоя қилади:

— Эй, болам, чиндан ҳам ҳаёт икки эшик ораси экан. Бир кун туғилибсан, бир кун кетиш бор. Бир юзу бирга кирдим. Умр бўйи эшик, дераза ясадим, иморат қурдим, муаллимлик қилдим. 90 ёшга етиб тўқсон тўйи қилиб берганимда Оллоҳ 100 ёшга етказса юз оши қилиб бераман деб ният қилгандим. Шукр шу кунларга етдим.

Юз билан юзлашган тонгимда, ишонасанми, Худодан умр сўрамадим. Эл-юртга осойишталик, дастурхонига барака сўрадим. Мустақиллигимизнинг боқийлигини, юртбошимизнинг соғлигини тиладим, у киши ҳам юзга кирсинлар деб ният қилдим. Ишонавер, гапим рост. Мен кўрганимни кўрдим, болам. Энди сизлар кўп яхши кунлар кўринглар.

Юз билан юзлашган тонгим «юз оши қилиб бераман», деган ниятим ёдимга тушди. Азон вақти ёбонни ўрталаб қишлоғимизнинг кўпни кўрган зиёлиларидан бири, кекса муаллим Файзулла Неъматнинг уйига бордим. Асаларига қараб юрган экан. Чорбоғида кутиб олди.

— Файзулла, мени машинангда ҳокимга олиб бор. Бугун юз ёшга тўлдим, элга юз оши қилиб бермоқчиман, — дедим. — Ҳоким туманимизнинг каттаси, бир маслаҳат солайлик.

Ишонсанг, Файзулланинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бағрига боса туриб, сездирмай кўзларидан қувонч ёшларини артди. Ахир, у ҳам 75 га қадам қўйди. Яқинда 2-3 тенгдошини тупроққа топшириб, озгина ўйчан бўлиб юрувди. Таклифимга дарҳол рози бўлди.

Ҳоким қабулхонаси 3-қаватда экан. Биринчи боришим. Зинадан кўтарилаётиб Файзулла тирсагимдан суягандек бўлди. Индамадим. Қўлини туширсам, кўнглига олмасин деб ўйладим. Ҳокимимиз Эркин Ҳайдаров гапимни тинглаб бўлиб, ўрнидан туриб табриклади. Рости, бағрига босди. Тўй куни белгиланди. У албатта ўзим қатнашаман деди, қатъий қилиб. Муомаласидан кўнглим тоғдек ўсди. Пастга тушиб машинага яқинлашгач, Файзулла ўсмоқчилаб сўради:

— Уста бобо, уйга қайтаверамизми?

— Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий Моҳитобонни бир зиёрат қилайлик, — дедим.

— Ҳушёрсиз, ҳушёр, — деди Файзулла таклифимга мингчандон қўшилиб. Тоза, оҳори кўрпачалар, яп-янги гиламлар ташлаб қўйилган янги қурилган масжидга кириб тиловат қилдик. Хожа Ориф Моҳитобон Хўжайи Жаҳон Абдулҳолик Ғиждувонийнинг шогирдларидан бўлган. Ўзимизнинг «Кўришкент» қишлоғи икки улуғ авлиё инсоннинг гоҳи-гоҳида кўришиб турадиган жойлари бўлган дейишади. Шунинг учун ҳам мен эс билганим қишлоқнинг номи — Кўришкент. Кўрдингми, бизлар хизрлар излари қолган тупроқда яшаймиз. Буни ҳар бир ёш билиши керак.

Олдинги ҳокимимиз Ғайбулла Дилов ҳам кўп уддабурро, маърифатпарвар одам эди. Хожи Ориф Моҳитобоннинг 875 йиллик тўйини нишонлаш таклифи ҳам шу одамдан чиққан. Икки йил бўлди. Республикамиздаги барча шофирконлик зиёлиларни бир жойга йиғди. Маслаҳат солди. Кўпнинг этаги кўл дейдилар. Кўп савоб ишлар бўлди. Туман қиёфаси ўзгарди. Моҳитобон зиёратгоҳи обод бўлди. Дилов савоб олди. Ҳозир вилоят катталаридан бири дейишади. Хожи Орифнинг «Орифнома» асари чоп этилди. Шу асардан битта топтирдим. Кўзни қуввати етганча ўзим ўқиб, дамба-дам набираларга ҳам ўқиттирдим. Тумор қилиб осиб юрсанг арзийдиган китоб. Ҳа, ҳа, ажабланма, кексаликда ўқидим. Шу теваракнинг биринчи муаллимлариданман. Ҳозир ҳам ўқийман. Ўқиттириб эшитаман, радио тинглайман. Бухоро қатлам-қатлам илм. Демак, қатлам-қатлам ҳақиқат ҳам бу!

Аслида эҳтиром билдираман десанг, ёш суриштириб ўтирма. Шаҳарда яшайсан, миноралар, мадрасалар, кошинлар олдида бир муддат тўхтаб ўтишни одат қилгин. Эл фарзандиман, деган одам шунга бурчли. Умрим дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги каби устачилик касблари билан ўтганлиги учун бу заҳматлар менга бегона эмас. Мен қараб-қараб ҳис қилиб бўлганман. Сен бориб тағин қара, синчиклаб-синчиклаб қарагин. У обидалар инсон қўли, мушоҳадаси билан яратилганига ишонгинг келмайди. Аммо, узоқ тикилсанг, унда инсон ақли борлигини, ҳатто устасининг сиймосигача тасаввур этасан. Минораи Калон пештоқига сўнгги ғиштни қўяётган устанинг юрак сурурини кўз олдингга келтир. У ўша кез еру кўкнинг баб-баравар бандаси эди. Обидаларнинг узоқ яшаши меҳнатнинг ҳалоллигида, болам. Биласан, Минораи Калон икки бор кучли зилзилани ҳам писанд қилмади-ку. 1920 йилги Фрунзе шафқатсизликларини айтмайсанми? Амир Саид Олимхон Бухорони тарк этмаганида, билмадим, ҳоли не кечарди бу пайғамбар юртнинг?! Рости, амир ҳам Бухоронинг бутун қолишини ўйлаган.

Файласуфона ориф суҳбатидан лол қотаман. Ўзим ахтарган сиймосини тасаввур қилган кошинкор, ўймакор устани кўриб тургандай қарахтман. Кўз олдида осмонўпар минора, унга сўнгги ғиштни қўяётган оппоқ яктагининг этаги шаббодада ҳилпираётган уста сиймосида Рашид бобони кўраверaман. Ҳа, у уста Рашид бобога ўхшаши аниқ. Мен уни бошқача тасаввур қилолмайман.

### *1998 йил — Оила йили*

* * *

Рашид бобо чўпкари иморатларнинг овозадор устаси, юзлаб усталарнинг белини боғлаган пири комили. У 9 ёшлигидан қўшни Ғиждувон туманилик қўли гул дурадгор уста Мутал хизматига шогирдликка кирди. Бир йил, икки йил эмас, ўн саккиз йил устанинг хизматида бўлди. Уй қуриш, тахтадан турли иморат жиҳозларини ясаш, ёғочга нақшлар битиш сирларини обдон ўрганди. Ҳунаридан кўнгли тўқ йигит уста Рашид номи билан эл орасида эътибор топди. Рашиднинг илм олишга ҳам иштиёқи зўр эди. Ҳадиси Шарифда битилган «Бешикдан-қабргача илм изла!» деган пурмаъно ақидага амал қилиб, Самарқанддаги ишчилар факультетида таҳсил олди. Оз муддат ўқитувчилик иши ила машғул бўлди. Зеҳнли, ўткир мушоҳадали Рашид Раҳматовни Ғиждувонда очилган халқ театрига саҳна безатувчи уста вазифасига ишга таклиф қилишди. У театр саҳнаси учун ёғоч саҳналар ясади. Қисқа муддат Тошкентдаги Ҳамза театрида ҳам ишлаб келди. Ҳатто пастдан қўл кучи билан ҳаракатлантирувчи саҳналар ясади. Кейинчалик уста Рашид бобо ўз қишлоғига қайтиб, умрининг қаймоғини яқин-яқингача чиройли чўпкори иморатлар, нақшинкор дарвозалар, пишиқ-пухта дераза-ромлар ясашга бағишлади. Доимо елкасида пойтешаси ярқираб юрди. Элнинг «уста бобо»сига айланди.

* * *

Юз оши бериладиган куни чошгоҳдан одамлар оқиб кела бошлади. Айтилган ҳам келяпти, айтилмаган ҳам. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, дея Рашид бобо кўпнинг кўзи олдида бир йилдан буён боғлиқда боқилаётган буқанинг арқонини қассобга тутқазди. Тўй ҳомийларининг сон-саноғи йўқ. Бари юракдан, бари кўнгилдан қилинаётган хайр-саховат. Тўйбошилар уста бобонинг ўғли Сайфулла ака, қизлари, куёвлари, набиралари, туман ҳокими Эркин Ҳайдаров, жамоа хўжаликлари раислари — Муртазо Садиров, Истам Темиров, қишлоқ оқсоқоллари — Файзулла Неъматов, Содиқ Қозоқов, Саид Тўқсоновлар маъракага бош-қош. Келганлар уста бобони бағрига босади, оппоқ яктагининг этагини кўзга суртади, икки оғиз дуо сўрайди. Хабар тегмаганлар зиёфатга эмас, зиёратга келдик, уста бобо, дейди бироз хижолатомуз. Ундай дема, — дейди уста бобо. — Сенга ҳам шу кунни берсин.

Нуроний отахоннинг юз ёшлик тўйи довруғи бутун Бухорога ёйилди. Одамлар тўйдан биз ҳам шу ёшга етайлик, — деган яхши ният билан чиқди.

Уста Рашид бобо Шофиркор туманининг Жўйрабод қишлоқ фуқаролар кенгаши ҳудудига қарашли Қаравулон қишлоғида яшайди. Бу хонадон барча учун зиёратгоҳ. Чунки бу масканда узоқ йиллик тарих гувоҳи, машҳур Уста Ширин Муродовлар касбдоши — Хизрмонанд инсон — Рашид бобо Раҳматов умрининг иккинчи асрига қадам қўйиб яшамоқда. 100 йил — миллион кўнгиллар иморатини обод этган мазмунли умр бу!

Отахон зиёратидан кўнглим яйраб узоқ яшашнинг ҳалоллик, покликка йўғрилган савоб меҳнатлар эвазига эканлигига комил ишонч ҳосил қилиб қайтарканман, қуёшга қараган дарвоза олдида усто бобо мен билан хайрлашди. Учтўрт қадам юриб ортимга қарадим. Рашид бобо ҳассасининг учини ерга тираб, дастасини иягига теккизганча хаёлга толган эди. Мен нуроний отахоннинг кўнгил меҳваридан шу чоғ нималар кечаётгани ҳақида ўйладим. Албатта, ҳозир ҳам отахон одатдагидек юртга тинчлик, қарияларга иймон, ёшларга умр, дастурхонларга барака тилаётгандир. Ҳа, Рашид бободек дуогўй, оқсоқол қариялари бўлган юртнинг иқболи нигун бўлгай.

**Дилмурод ЖАББОР.**

